



**Рақамли стоматология ва диагностика йўналишида замонавий
ўқитувчининг инновацион фаолияти**

*Тошкент тиббиёт академияси
педагогика фанлари номзоди, доцент:*

Худоёрова Ойсоат Келдиёровна

*Тиббий профилактика ва жамоат саломатлиги,
экология атроф муҳим мухофазаси ва кимё факультети*

Рахмонов Шоҳиддин Камол ўғли

304-гуруҳ талабаси

Сайитмуратов Нодиржон Боймурот ўғли

402-А гуруҳ талабаси

Аннотация: Мазкур мақолада тиббий рақамлаштириши масалалари ёритилган бўлиб, стоматология ва диагностиканинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритилган. Рақамли стоматология ва диагностика йўналишида илмий -амалий тавсиялар берилган.

Калим сўзлар: Рақамлаштириши, ривожлантириши, инновация, имконият, стоматология, диагностика, инновацион фаолият, замонавий рақамли билим, юксак тиббий маданият, соглом турмуши тарзи.

Маълумки, рақамлаштириш инновацион ривожланиши омили сифатида намоён бўлиб, ҳаётнинг ҳар қандай соҳасининг асосий ажralmas қисмига айланмоқда. Бугунги қунда барча соҳалар фаолиятни электрон компьютер, ва муҳим автоматлаштирилган технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг келажакдаги тараққиётини замонавий илм фан, технологиялар, рақамли иқтисодиёт асосида бошқариш ташкил этадики, бу мамлакатимиздаги ўзгаришлар, халқимиз ҳаёти ва



кундалик турмушида ўз аксини топади. Шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда юксак тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллаш талаб этилади. Бунинг натижасида эса мамлакатимиз илм фани янада равнақ топади, Энг муҳими ёшларимиз чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси сифатида тарбияланади. Рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришилади ва демократик ислоҳотларни жадал давом эттириб, янги замонавий босқичга кўтариш имконияти яратилади.

Тиббий таълим тизимиға ҳар кандай янгиликнинг киритилиши бевосита ўқитувчи фаолиятини янгилаш ва ўзгартириш орқали амалга оширилади. Ўқитувчи инновацион фаолиятининг марказий масаласи ўқув жараёнини самарали ташкил этишдан иборат. Тиббий таълим самарадорлигини таъминлашда ўқитувчининг таълим жараёнига янгиликларни киритишга тайёргарлик даражаси асосий ўрин эгаллайди. Инновацион фаолият – узлуксиз равиша янгиликлар асосида ишлаш бўлиб, у узоқ вақт давомида шаклланади ва такомиллашиб боради. Ўқитувчи инновацион фаолиятининг асосий белгилари ижодий фаолият фалсафаси ва педагогик тадқиқот методларини эгаллаш, муаллифлик концепцияларини яратиш, тажриба-синов ишларини режалаштириш ва амалга ошириш, илғор тажрибаларни қўллай олиш, ҳамкаслар билан хамкорлик, фикр алмашиш ва методик ёрдам қўрсата олиш, зиддиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, янгиликларни излаб топиш ва уларни ўз шароитига мослаштириб боришида намоён бўлади. Инновацион фаолиятнинг тузилишида – ижодий ёндашув, ижодий фаоллик, янгиликни киритишга технологик ва методологик тайёргарлик, янгича фикрлаш, муомала маданияти акс этади. Инновацион фаолиятнинг даражалари эса репродуктив, эвристик, креатив бўлиши мумкин. Инновацион фаолият – бу илмий изланишлар, ишланмалар яратиш, тажриба-синов ишлари олиб бориш ёки бошқа фан-техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда янги технологик жараён



ёки янги такомиллаштирилган маҳсулот яратишдагина ҳақиқий ҳисобланади. Инновацион фаолиятнинг асл мазмуни амалда янги технологиянинг шаклланиши бўлиб, унинг натижаси инновация сифатида юзага келган ихтирони лойиҳага, лойиҳани эса технологияга айлантиришга йўналтирилган фаолиятдир. Ўқитувчининг инновацион фаолияти -тайёргарлик, режалаштириш ва жорий этиш босқичларида амалга оширилади. Ўқитувчини инновацион фаолиятга тайёрлашда ижодкорликнинг етарли бўлиши муҳимдир. Ўқитувчиларда когнитив психологик тўсиқлар янгилик ҳақидаги билимларнинг етишмаслиги янгилик киритувчиларга қарши курашиш каби кўринишларда намоён бўлади. Инновацион фаолият ўқитувчининг ҳамма муваффақиятини белгиловчи асосий фаолият бўлиб, у шахснинг касбий, методик маҳоратини сифатли қайта қуриш демакдир.

Замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш, ҳар бир инсон учун узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак. Тараққиётга эришиш учун эса рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллаш зарурки, бу юксалиш йўлидан бориш имкониятини беради. Ҳозирги кунда таълим муассасаларида ватанпарвар, илм, маърифатли, энг муҳими замонавий билимларни пухта эгаллаган кадрлар камол топмоқда. Келажакка катта қадам ташлаш йўлида илм олиш бу инсоният учун тафаккур гулшани бўлиб хизмат қиласди. Жамият ривожланиши эса янгидан янги билимларга эга бўлишни талаб этаверади. Янгиланаётган Ўзбекистон жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида энг кучли давлатлар қаторидан ўрин олишни асосий марра қилиб қўйган.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради.



2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш Концепциясида “Юртимизда аҳоли саломатлигини сақлаш ва яхшилаш имконини берадиган сифатли соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш, соғлом авлод тарбияси учун шарт-шароит яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади” дейилади.

Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чукур кириб бормоқда. Рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали ташаббускорлик ва натижадорлик ошади, одамлар соглом турмуш тарзини юксалтириш ҳамда сифатли таълим ва хизматларни яхши йўлга қўйиш мумкин бўлади. Рақамли технологияларни кенг жорий этиш, таълимнинг барча соҳаларини рақамлаштириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олиш, талабалар учун телевизион дарсларни эфирга узатилишига жиддий эътибор бериш зарур ҳисобланади. Бутунги кунда тиббий таълим тизими рақамли технологияларга сингиб кетмоқда. Хусусан, «Замонавий педагогик технологиялар асосида, ахборот ва мультимедия ускуналаридан фойдаланган ҳолда стоматология бўйича ўқув жараёнини самарали ташкил этишни; стоматология, жағ-юз жарроҳлиги соҳаси ва бошқа тегишли йўналишларда илмий-амалий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга оширишни таъминласин» 1. дейилади.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори Стоматология соҳасида тиббиёт кадрлари тайёрлашни янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида Тошкент ш., 2016 йил 21 ноябрь. Ҳақиқатан ҳам таълимда рақамли технологияларни ўқитиш сифатини сақлаб қолган ҳолда самарали қўллаш учун мамлакатимизда Интернет инфратузилмасини яхшилашимиз, мобиъл операторлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, энг муҳики талаба ёшларни замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг сўнги ютуқларини ўзлаштиришга шарт-шароитлар ҳамда имтиёзлар яратиб бериш муҳим аҳамиятга эгадир. Айниқса, ўқув жараёнини ташкил этишда рақамли технологиялардан фойдаланиш



кўламини кенгайтириш ва ахборот ресурслари, ўқитиш воситалари ва масофавий ўқитиш технологияларини ривожлантириш, ижодкор талабаларни академиянинг рақамлаштириш лойиҳаларига жалб этиш, юқори самарадорликка эга рақамли қурилмалар билан жиҳозланган тузилмалар, ўқув хоналари, лабораториялар, медиа студиялар ва бошқаларни ўз ичига олган марказларни ташкил этиш ҳамда унда орттирилган тажрибани Ўзбекистоннинг барча олий таълим муассасаларида қўллаш орқали замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва таълим технологияларининг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, бу борада педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш зарурдир.

“Тиббий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини шакллантириш, тиббиёт фанини ривожлантириш, шу жумладан, тиббиёт илмий ва таълим муассасаларини халқаро стандартлар бўйича сертификатлаштириш (аккредитациядан ўтказиш) замонавий таълим дастурлари, усул ва технологияларини жорий этиш” 2. асосида «электрон соғлиқни сақлаш» тизимини кенг жорий этиш, ягона миллий стандартлар асосида интеграциялашган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси мажмуасини яратишга эътибор берилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида Тошкент ш. 2018 йил 7 декабрь, ПФ-5590-сон.

Рақамли стоматология ва диагностика йўналишида қуйидаги жиҳатларга жиддий эътибор бериш муҳим ақамиятга эгадир:

- тиббий таълимда интеграция фаоллиги ва инновацион салоҳиятни таъминлаш, замонавий тиббиёт ютуқлари ва янги дастурий маълумотларни стоматология ва диагностика жараёнига жорий этишни кучайтириш, ахборот



тушунчалари ва технологияларининг кенг йўналишларидан самарали фойдаланишга эришиш;

- тиббиёт ходимлари хизмат сифати ва маълумотларини оширишда энг намунали амалиётнинг жорий этилишини таъминлаш;

- тиббий стоматологиянинг самарадорлиги, сифатини, оммаболигини ошириш, ташхис қўйиш, даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш орқали соғлом турмуш тарзига эга бўлиш;

- рақамли стоматология ва диагностика йўналишида қулай шартшароитларни яратиш ва рақобат муҳитини яхшилаш,

- стоматология тармоғини янада ривожлантириш ва унинг тараққиёти механизmlарини такомиллаштириш,

- хорижий тиббиёт таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш, таълим дастурларини амалга оширишда хорижий ресурслардан кенг фойдаланиш орқали таълим имкониятларини кенгайтириш, тиббий таълимнинг электрон миллий платформаларини ишлаб чиқиш ва электрон таълим муҳитини шакллантириш,

- юқори малакали кадрлар тайёрлашда янги илмий ишланмалар ва технологияларни жорий этиш бўйича бошқа тиббиёт ташкилотлари профессор ўқитувчилар таъсирини кучайтириш, ахборот тизимлари билан интеграциялаш ва ахборот алмашишга эришиш.

- жаҳон электрон таълим ресурслари, электрон кутубхоналар, лабораториялар ҳамда халқаро миқёсда қўлланиладиган замонавий дастурий маҳсулотлардан фойдаланишни ривожлантириш, тиббий таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш ва ҳоказо.

Хозирги кунда электрон ҳукумат имкониятларини янада кенгайтириш, ҳамда рақамли технологиялардан кенг фойдаланишни таъминлаш мақсадида “истиқболли инновацион ишланмалар ва стартап-лойиҳаларини амалга



ошириш ҳамда уларни тижоратлаштириш” З. муҳим масалалардан бири эканлиги таъкидланади.

З. Ўзбекистон республикаси президентининг фармони «рақамли ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев Тошкент ш., 2020 йил 5 октябрь, ПФ-6079-сон.

Айниқса, олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илфор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш ва уларни амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштириш энг муҳим масала сифатида намоён бўлмоқда. Стоматология йўналишида учрайдиган шошилинч ҳолатларда тез тиббий ёрдам кўрсатиш, педагог кадрларининг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш, стоматологик касалликларни замонавий усулда ташхислаш ва даволашда замонавий илмий-услубий янгиликларни қўллаш малакаларига эга бўлиш зарур ҳисобланади. Шунингдек, болаларда умумий оғриқсизлантириш шароитида стоматологик ёрдам кўрсатиш усулларидан фойдалана олиш, тишларни даволаш вактида боланинг руҳий ҳолатини коррекция қилиш, стоматолог қабулида боланинг врач билан руҳий-эмоционал алоқасини ўрнатиш, болаларда шошилинч стоматологик ҳолатларда тез тиббий ёрдам кўрсатишнинг асосий боқичларидан фойдалана олиш компetenцияларига эга бўлишни кучайтириш долзарб масаладир.

Хуроса шуки, бугунги замонда рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологиялари тараққиётга эришишнинг муҳим шартларидан биридир. Рақамли технологиялар нафақат давлат ва жамият бошқарувини такомиллаштиради ва ижтимоий соҳада одамларга катта қулийликлар яратади. Бундан ташқари рақамли технологиялар иқтисодий ўсиш ва тиббий юксалишга замин яратади: маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча



харажатларни камайтиради. Бугун ривожланишнинг инновацион моделлари ва “ақлли” технологияларни ҳаётга кенг татбиқ этаётган мамлакатларда энг муваффақиятли ва барқарор ривожланишни таъминлайди. Тиббиёт инқилоби интеллектуал соғлиқни сақлашда “ақлли” тиббий ускуналар ривожланишини рағбатлантириш учун электрон соғлиқни сақлаш соҳасининг энг янги мобил ва рақамли ютуқларидан фойдаланилмоқда. Бу эса тиббий хизмат кўрсатишга янгича ёндашувларни очиб бермоқда.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон республикаси президентининг қарори стоматология соҳасида тиббиёт кадрлари тайёрлашни янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида Тошкент ш., 2016 йил 21 ноябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида Тошкент ш. 2018 йил 7 декабрь, ПФ-5590-сон.
3. Ўзбекистон республикаси президентининг фармони «рақамли ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев Тошкент ш., 2020 йил 5 октябрь, ПФ-6079-сон.
4. Мирзиёев Ш.М. (2020) Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси II Халқ сўзи. 2020 йил 25 январь.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни жорий этиш чора тадбирлари тўғрисидаги II КХММБ: 07 /20/ 4699/ 0520 сон 29. 04. 2020 й.